



Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий

Туркистонда бўлган дахшатли ходиса ва нохуш воқеалардан кейин жаноби соҳибкирон (Султон Саидхон)нинг беҳисоб лашкар ила қилгон ҳаракат ва жунбушлари ҳазрати Авлиёота фуқаросининг шаҳидлиги, ўрус кофирларининг бедодлиги ва уларга (Алимкул) амирлашқарнинг хатму зафар билан берган танбеҳи ҳақида сўз.

Сичкон йили — тарих 1281 йил зу-л-ҳижжа иззуху ойи ўрус кофирлар беадаблик ила Олмаота мавзеидан ҳаёсизликнинг тошлок биёбонига бемуродлик қадамларини кўюб, Марка қалъасига яқинлашдилар. Бу қалъа Тошқанд вилояти тасарруфида эди. Қалъа аҳолиси бу ҳолдан оғох бўлиб, ҳаммалари бирлашиб, Садди Искандардек химояга турдилар. Улар ичлари қора кофирлар дафъига фурсат пойлаб мунтазир бўлдилар. Аҳли қуффор (кофирлар) мусулмонлар журъатини яхшироқ кўриб билдиларким: қалъани забт этиш улар учун жуда ҳам мушкулдур, ҳатто қалъага яқинлашишнинг иложи йўқдир. Шунда ўруслар пастқаш ва дағал кишиларга хос бўлган макру хийладан фойдаландилар. Уларга ер тагини новлаш иши осонроқ ва гўё дардларига малҳамдек кўринди. Тез фурсатда улар қалъа дарвозаси тагидан чуқур казиб, ичини ҳар хил доривор ила тўлдириб, кечаси жаҳонсуз оташ билан ёкиб юбордилар. Хиёнаткор кишилар доимо шундай қиладилар. Олов шуъласи тез фурсатда манзилига етиб, шундай портладики, қалъа дарвозасини ўз жойидан девори ила кўтариб ташлади ва уни ер билан яқсон этди.

Қалъа аҳолиси бунга кўриб, баъзилари амонат жонини ганимат билиб, тун қоронгисидан фойдаланиб қочиб кетдилар. Баъзилари эса жангга кириб золимлар кўлига тушдилар. (Ўруслар) шу дахшатли воқеадан сўнг қалъа иморатларини ер билан яқсон қилиб, мазкур ойнанинг ўн иккинчисида бу манзилдан кўчиб, ҳазрати Авлиёота қалъасига келдилар. Ниёз Али бу вилоятнинг химоясида турган эди. У вазият танглигини баҳона қилиб, ҳамма одамларини олиб, Туркистон томонга Мирзо Давлат хизматига кетди. Шаҳар ўз ҳокимидан айрилди. Фаранги кофирлар (ўруслар) кўркмасдан қалъа камалини бошладилар. Улар тўрт томондан шаҳар ичини тўпга тутдилар. Вилоят фуқароси ҳар бир кўча ва бозорларда гайрат ва журъатни ўзларига қалқон этиб, шаҳар дарвозасидан чиқиб, ул лаин кофирлар ила қаттиқ уруш қилди. Бу ҳам натижа бермади ва улар чекиниб, қалъа ичига яшириндилар.

Шақоват аҳли фуқарони ўзларига нолайик кўрди ва уларнинг журъати ошиб, қалъа

деворларини тўпга тутган холда дарвозага якин келдилар. Алдаб, тутун босишидан фойдаланиб, тезда битта тўпни ичкарига олиб киришди. Фукаро ўз ахлу аёлини гайрат ила мудофаа килди, уч кеча-кундуз кўча ва бозорларда туруб, хотун ва болалари билан огир жанг олиб бордилар. Бундай уруш хали бирон бир подшоҳ даврида бўлмаган эди. (Авлиёталиклар) Чимкент йўлига интизорлик билан кўз тикиб, Тошкент хокими Нор Мухаммад кўшбегидан мадад ва ёрдам кутар эдилар.

Бу номард (Нор Мухаммад кўшбеги) икки ойдан бери Чимкентда макон тутган эди ва хамма воқеани билиб туриб, бечораларга бирон мадад бермади. Оллоҳ таоло амири кабир умрини узун ва давлатини фузун айласинки, унга яхши танбих бериб оламга ибрат килиб кўрсатди.

Нихоят, фукаронинг ахволи танг бўлиб, омонлик беришни сўрадилар. Кофирлар бундан хабар топиб, катлини тўхтатдилар, ярашиш режасини тузиб, сулҳга рози бўлдилар. Икки томон ҳам ўз ўликларини жанг майдонидан чиқариб, ўз ойин ва динларига кўра дафн килдилар. Мусулмон ахлисидан шул урушда бир мингу олти юз эркак ва аёл, каттаю-кичик шахидлик даражасига лойик бўлди. Кофир мактуллар курбонининг сони бу ҳисобга кирмайди.

Бу воқеалар юз бераётган вақтда бир неча минг ўрус ва кўпгина казок (казак) сарбозлари Окмасжиддан (кейинги) Ясси, яъни Туркистон шахрини мухосара (камал) кила бошладилар. Бу ернинг хокими Мирзо Давлат шижоат ва мардлик намунасини кўрсатди, ўз лашкари билан кофирлар урдусига қарши чиқиб, огир жанг бошлади ва шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Аммо (Мирзо Давлат) келиб кўрса, вилоятнинг каллоб, касофат ва бузгунчи кишилари олдиндан ўрусларга сотилиб, уларнинг хизматларида юрган эканлар. Улар вилоятни кофирларга такдим килиб, шаҳар дарвозасини мусулмонларга очмадилар. Улар қалъа деворларини тешиб, кофирларни шаҳарга кўйган эканлар. (Мирзо Давлат ўз сарбозлари билан) бу хиёнат хабарини эшитиб, афсусу надомат килиб ўз жойига қайтди. Улар кечани бир навъ ўтказиб, эрта билан Тошкент вилоятига йўл олдилар. Йўл-йўлакай Чимкентга кириб, мазкур Нор Мухаммадни кўрмасдан, Қорақамиш мавзеига етиб келдилар ва ҳазрат Миён Халил Соҳиб боғига тушдилар. Бу хабарлар ва шу можаролар жаноби амир Султон Саидхонга тез-тез етказиб туриларди. Бундан соҳибкирон руҳида гайрат, шижоат ва мардлик қайнаб кетиб, сипоҳлик анжом ва асбобларини тайёрлаб, урушга отланди. (Хон) саъйи балиг (улуг ҳаракатлар) кўрсатиб, вилоятнинг ҳар томонига, музофот саркардаларига, қасаба сардорларига марғуб иноятномалар жўнатиб, қўшин жамлашга киришди.

АМИР САИД ХОН СОХИБКИРОННИ ЎРУСЛАРГА ҚАРШИ КИЛГОН ЮРИШИ ВА МАЛИКИ МУСТАЪОН ИНОЯТИ ИЛА ФАТХУ ЗАФАР ТОПГОНИ ХАКИДА

Жаноби сохибкирони (Султон Саид хон) субхон (оллох) инояти ва худо муруввати нурлари ила комронлик маснади ва шодмонлик давлатига суяниб, баркарор ва осойишта эди. Адолат нурлари ва иноят партави одамлар юзида ва раъият хаётида кўринарди. Жаноби хумоюн хотиралари мамлакат харобалиги ва унга етказаетган халалларни ислох килиш йўлига тушди. Бу тинч вилоятнинг хосу омига давр ходисалари кўп жафолар етказарди. У киши зулм ва тааддини йўқотиб, кейин осойишталик ила хукм сурмокни эди. Замона ходисаларининг казосидан ва ногахонлик аломатларидан шул тарих зафар ойининг ўртасида кетма-кет жаноби сохибкиронга дахшатли хабарлар кела эошладиким, ўруслар лашкари хар томондан келиб, бир қисм Марка, Авлиёота калъалари, яна бир фиркаси эса Туркистон фатҳига азм килиб, фитна отига миниб, ахли давлат кўзларига душманлик ва харобачилик чангини сепибдурлар. Яна бул нобакор кишилар (ўруслар)нинг бошида Чимкент ва Тошкандни олиш фикри пайдо бўлаётган эмиш. Умидимиз шулким, аъло хазрат шижоат байроги ила бу диёрга келиб, ёнган бу эловни мардлик суви билан ўчирадилар, бўлмаса (токатимиз ток бўлиб) «пичок суякларимизга етади». Китъа (мазмуни):

Агар шох шамширининг кучи бўлмаса,

Шахарда хар хил шўру балолар бўлар.

Кимки яхшини ямондан ажрата олмаса,

Хар фитна кўлидан келса килар. Бизнинг илтижоимиз шулдурким, жаноби сохибкирон биз томонга тез харакат килиб, зафар байрогини кўтарсунлар. Байт:

Халкни кўйдурадиган оловни

Ўчирмасдан бошка илож йўк.

Бу хабарни эшитиб хазрати сохибкирон харакат килишга азм этди ва хамма касаба, вилоятларга фармон ва иноятномалар жўнатиб, ислом дини оркали таъкид ва таҳдид кўрсатиб, кўшин йигишга киришди. Хон фармонини эшитиб хар томондан жасур аскарлар ва ботир сарбозлар тўплашиб келдилар. Уларнинг саногии фалак юлдузларидан хам кўп эди. Хисобдон оқилу олимлар сипох микдорининг кўплигидан хайратда эдилар. Хама хумоюн ўрдасига келиб, сохибкирон соясида осойиш топарди...

Неча-неча манзиллардан ўтиб жаноби хон (лашкари ила) Тошкандга келиб, истикомат режасини тузди. Бир неча муддатдан кейин колган кўшин хам етиб келди. Сафар анжомларининг камчилигини тўлдириб, аста-секин Рахшсифат саманд жиловини мақсад томон тортдилар...

...Манзиллар ва махаллаларни кезиб (хон) Шаробхона мавзеига етиб келди ва бахт хаймасини жоҳу жалол ва шавкат ила фалак авжига урди ва шу ерни манзил килди. Тун вақти истирохат чогида Тошканд вилояти уругларидан бўлмиш Ниёз Али чаккон келиб шундай хабар берди: «Ўрус кофирлар Чимкент вилоятига икки томондан яқинлашиб, шаҳарга ярим фарсах колганда тўхтаганлар. Давлат арконлари ва маслахат сохиблари жанобнинг ижозатисиз жангга кирмасдан сизнинг ташрифингизни кутуб турубдилар. Омонсиз жангга (келиб) киришларини талаб киламиз». Бу хабарни эшитгач, (Султон Саид хон) Мулла Алимкулни сардор айлаб, уни куффор жангига жўнатди. Мулла Алимкул кеч тунда кўчиб, химмат рахшини мақсуд йўлига хайдади. Суръат билан йўлларни тай этиб, куёш чикаётган пайти Чимкентдан ўтиб, муддаосига етиб тўхтади. У бошараф кишилардан маслахат сўради. Улар, бор куч-кудратимиз билан динимиз душманларига қарши урушайлик ва зарба берайлик, шоядки кофирларга кимлигимизни кўрсатайлик, деган қарорга келишди.

Шу пайт Алимкул сардорни хужум килиш хабари душман кулогига етиб, ўзларини

Йўкотиб, ваҳимага тушиб, Окмасжид ва Туркистон кофирларининг олдинги манзилгоҳи бўлган жойида нусратасар лашкарнинг Йўлини Садди Искандардек тўсдилар. Улар атрофларида чуқур бир хандак кавлаб, ҳамма галла рртилган арава, оту туялари, асбобу ашёлари билан маҳкам ўраб олиб, йўлда қолиб кетган гарибларга ўхшаб турдилар. Мулла Алимкул эшикоғаси кўлига зафар жиловини олиб, икбол остонасига кадам кўйди, шарафи эса осмон авжига етиб, фатху зафар учун аскарларга ишорат килди... Икки томондан ҳам харб ногораси ва уруш найи чалинди. Муслмонлар тантанаси фазода акс садо берарди. Довул садоси, ёшу қари фарёди аршдаги малак қулогини (хам) қар килди.

Газабнок суворийлар ва шиддаткор Йигитлар душман томон ҳамла килдилар. Омонлик товуси оромини Йўкотиб, зогга ўхшаб бир чеккада турарди. Ажал лочини уруш майдонида парвоз килиб, рух қушини сайд этарди. Катл олови шундай ёниб кетдики, осмон токига етарди, уруш шуъласини таъсири шундай эдики, унинг нури фалакни ёритарди. Диловар аскарлар ўз жонларидан кечиб, ширин ҳаётни унутиб, баҳордаги чакмоқ камишзорга ургандек, қурашга ташландилар. Хусусан, аҳли ислом кофирларни каттик жазоладилар, уларни жило тиги билан уруб, шижоат ўқини отиб, бошларини таналаридан жудо килиб ташладилар...

Кўп қушойишлардан сўнг зафар насими оллоҳ инояти ила муслмонлар томонига эсди, кофирлар бошига бадбахтлик тупроғини ховучлаб сепди ва уларни шарманда килди. Ўруслар тез орада омонлик сўраб, муслмонлар олдида тиз чўкиб бош кўйдилар. Имонли ва фаросатли муслмонлар уларга озодлик бериб, зафарпайқар отларини чодирлари томон сурдилар.

Шу куннинг эртасида фирўзлик хусрави бўлмиш қуёш ўзининг жаҳонтоб ва зарнигор байроғини осмон калъасида кўтариб, зарфишон ўқлари билан хабаб сипоҳи — қора тун кўшинини паришон қилган пайт... кўп ўрус кофирлар бошланг, қулоқларини қўлга олиб, кўркиб, узр сўраш учун Алимкул сардор ҳузурига келдилар. Совға-саломларини тортик этиб, душманлик ва адоват руҳидаги калималарни унутиб, улар ўз мақсадларини баён қилишди. Икки томон ҳам сулҳга рози бўлишди. Муслмонлар сулҳ васикасига имзо кўюб, (ўруслардан) икки лак микдорида Россия тиллосида пул талаб қилишди, бу эса Хўқанди латифнинг 225 минг бир мисқолли ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоятини ҳам қайтариб беришга рози бўлишди. (Ўруслар) руҳсат олиб, ўз қўшларига қайтиб кетишди... Мулла Алимкул сардор бу фарахбахш хабарларни ҳамма вилоят ва музофотларга тарқатиб чиқди. Сагиру қабир ва ганию шариф ҳамма жойда бир ҳафта хурсандчилик қилиб, бир-бирларига суюнчи берардилар. Нусратшиор муслмонлар ўз ишларида тоғдек мустаҳкам бўлуб, Авлиёотадан келаётган кофирларни қутиб турардилар. Шу вақтда кофирларнинг бир неча минг нафари бир-биридан беҳабар Чимкент мавзеига яқинлашиб, хавфсираб, кўрсичқонлар қаби бахиллар қабрига ўхшаган чуқур ва қоронғу жойларга (окопларга) қириб кетдилар.

Бу воқеалар тафсилоти жаноби соҳибқирон (Султон Саид хон)га маълум бўлди ва у ҳузурига ўзининг аҳли давлат ва аҳли қонунини йигиб, маслаҳат солди. Мартабали амирлар қайвон даргоҳида тилларидан пургавхар сўзлар сочиб айтдиларки: «Ҳозир душманга ҳужум қилиб бўлмайди. Уларни тўрт томондан муҳосара (қамал) қилиш керак. Муҳосара қанча чўзилса, шунча фойдалидир. Чунки қундан-қунга уларнинг озик-овқати тамом бўлади, ислом лашкарининг қучи бўлса кўпаяди». Бу фикрлар давлат умаросига маъқул бўлиб, ҳар бир сарқарда ўз қўшини билан душман атрофини парғолдек қамаб,(улардан) боҳабар бўлиб турдилар.

Сафар ойининг чоршанба йигирма иккинчиси кунида бир неча минг кофир ўз «гўрхона»ларидан тўсатдан чикиб, ислом лашкарини писанд килмасдан уларга тўпу тўфангдан ўк отиб, Чимкент калъаси томон йўлга тушдилар. Камози талигача етиб келиб, шу ердан шаҳар калъасини тўпга тутиб, шундай уруш бошладиларким (кўрган) одамнинг журъати ваҳимага тушиб, хайратдан гунг ва лол бўлди.

Мулла Алимкул сардор жаноблари ҳар бир паҳлавон гуруҳини ҳар жойга тайинлаб, Мингбой кўшбегини ўзининг оркасига жойлаштирди. Мулла Алимкул эшикогасининг ўзи бир неча (душман) билан урушарди...

Куффор сипохи (умид ўки ўрнига) тўпу тўфангга зўр берарди, мусулмон лашкари эса гинаю адоватдан ўқларини захарлаб курашарди. Бу зарбалардан кўрккан кофирлар симобга ўхшаб ҳар томонга окиб кетардилар ва кабутарларга ўхшаб ўз жонларини асраш ҳаракатига тушардилар...

Алкисса, икки томон ҳам шу хатарли ҳамда хавфли жойда матонат ва сабот ила бир-бирлари билан каттик олишди. Фаргона кўшини эртадан кечгача мухораба килди. Шунинг учун фалак токидаги малак шаҳодат кўлини хайрат тиши билан тишлаб, шу урушни мактарди... Охирда зафар шамоли Фаргона томон эсди ва кофирлар тор-мор бўлиб, кочишга ихтиёр килдилар... (Улар) бевафолик тупрогини мурувват кўзига таш-лаб, (Россия) салтанати обрўйини фано боди (шамоли)га бердилар. Назм (мазмун):

Бири кўлидан мурод жоловини берди,
Яна бири хавас оти теласидан тушиб кетди.

Бошқаси ўқдонини йўқотиб беҳол бўлди,
Бири канотсиз кушдек учолмай колди.

Душман сипохи кочиб оркага кайтишни ихтиёр этди... Кўп киши ул оташафрўз тиг тобидан, пайкон шуъласидан ва жонсўз ўқдан жангда ўлиб, зоғу итларга ем бўлди. Нусратшиор аскарлар кўлига уруш асбоблари ва уруш аслаҳаларидан кўп ганимат тушди. Аҳли куффорнинг бир фиркаси Туркистон томонга, бошқаси Авлиёота тарафга кетдилар. Мусулмонларнинг бир гуруҳи кочоклар оркасидан кувиб, шеру йўлбарсдек ҳамла килиб, (ўрусларни) таъкиб этиб кетди ва бир манзил улар билан урушиб-урушиб чекиндилар.

Шу аснода бир ўк кофирлар томонидан отилди ва шижоат жангалининг шери, ягона ва фарзона, ул диловар ва рустамзода, мард, жасур лашкарбоши Мингбой кўшбеги баҳодир кипчок билагига тегди. Шу захмдан кейин бутун кўшин ўз манзилига кайтди. Кофирлар мусулмонлар кўлидан буткул озод бўлдилар.

Мингбой кўшбеги икки кун роҳат тўшагида ётиб, учинчи куни шаҳодат даражасига етиб, жаннат томон йўл олди.

Шундан кейин жаноби соҳибкирон фатху зафардан оллоҳга шукрлар килиб, нусратшиор лашкарни жой-жойларига кўйиб, Чимкент калъаси деворини янгитдан бино этди. Энди (бу калъа) Садди Искандари зул-карнайндан дарак берарди.

Вилоят калъаси қурилишидан кейин Чимкент ва Тошкандни Мирзо Аҳмад деган бир парвоначига тақдим килиб, бир гуруҳ илгор чегарачи мерганларни кўмак (ҳамда калъани мустаҳкамлаш) учун колдирди.

Сартия, қирғизия ва бошқалар орасидан соҳибкиронга хиёнат килганларни жазолаб, (Алимкул) занг босган хотирасига сайкал бериб, мусаффо килди ва кўнгли жойига тушди. Ҳамда Султон Маҳмуд хон тўра, Улугжон тўра, лашкар бошлиқларидан Нор Муҳаммад кўшбеги Муҳаммад Назарбек парвоначи, Ниёз Али додхоҳ понсодбоши шаҳодат даражасига кўтарилди. (Катл килинди)

Шундан сўнг Алимкул сардор азамат жilовини Тошканд томон тортиб, йўл босиб Тошканд вилоятига кирди ва Султон Саид хон остонасини ўпишга муяссар бўлди. Ўн кун ичида бу ерни макон ва истирохат учун манзил килди. Бир неча вақтдан сўнг Султон Саид хон азамат жilовини Хўканди латиф томонига маътуф килиб, Йўл олди. Дашту сахро ва манзилу марохилни ўтиб, 15-раби ул-аввал, жумъа куни (1281 йил) манзилгохи бўлган ўрдага кириб келиб, хусравона тахтга хурсандлик ва хушбахтлик ила чиқди. Вилоят раъияси ва ахолиси ҳукмдорнинг адлу инсофи ила фориғболликда яшарди-лар. Шу мукаддимадан кейин бу мусаввада мусаннифи (яъни муаллиф) соҳибкирон фатху зафари хақида бир муносиб тарих айтди...

ЎРУС КОФИРЛАРГА ҚАРШИ ИККИНЧИ ЮРИШГА ООХИБКИРОННИНГ ФАРМОН (БЕРИШИ) ВА ИКОН МАВЗЕИГА КЕЛИБ КУФФОР БИЛАН КИЛГОН УРУШИ ХАҚИДА

Жаноб соҳибкирон (Султон Саид хон) давлати азимга (Хўкандга) қайтдилар. Шум кофирлар махзул ва махрум бўлиб Авлиёотага келдилар. Бир неча кун осойишталик билан харб олот-асбобини янгитдан тахлаб, вақтни ганимат билиб яна Чимкент иродасини килиб, Чимкент калъасига яқинлашиб колдилар. Кофирларнинг дабдабали тарзда келаётгани хақидаги хабар Мирзо Ахмад кушбегига маълум бўлди. Мирзо Ахмад — зог каклик рафторига таклид килиб, эртаси беҳисоб лашкар ила кофирларнинг йўлини Садди Искандардек олиш учун Чимкент калъасидан хиромон чиқди... (Улар) тез кофирларнинг маконига келиб, ракибга қарши муқобил сафландилар. Кофирлар бундан хабар топди, аммо улар шуни билардиларки, нобакор Мирзо Ахмад кушбеги қурашишга бел боғлаган бўлса ҳам аслида у хўроз эмас, макиёнدير. Кофирларнинг гайрати қайнаб, хавфли ва хатарли ахволда ўзларини Йўкотмасдан тўпу туфанглари ила урушга киришдилар. Икки томон ҳам саъйи ҳаракат ила қамоли пахлавонлик кўрсатиб, сабту қарор қадамини босиб, бир-бирлари билан жанг килдилар. Оқибатда худо амри ила кофирларнинг қўли баланд келди ва мусулмонлар орқага чекинишга мажбур бўлиб, Чимкент сари йўл олдилар. Мирзо Ахмад шу ернинг сипохсолари бўлатуриб, журъатсизлик ва кўрқоклик килди. Чимкент калъасида паноҳ топмай, Тошкандга қайтди. Пиёда ислом аскарлари имкон қадар кофирларга қарши қурашиб, муродсизликдан тушкунликка тушган холда нобакорлар ўқидан халок бўлавердилар. Улар (ўруслар) 1281 йил жимод ул-аввал ойининг учинчисида, сешанба куни Чимкент калъасига кириб, беҳисоб бедодлик ва ёвузликни мусулмон ахлига раво кўрдиларким, бу ишларга ақл бовар килмайди. Баъзи шохидларнинг гувоҳлигига қараганда, ўруслар урушдан сўнг шаҳид бўлган мусулмонларнинг жасадларини санаб чиққан эканлар. Айтишларича, каттаю кичик, эркак ва аёллардан 1376 киши мактул бўлган. Сипохнинг ҳамма асбоб-аслаҳаси, бир қанча

галла тўла омбор кофирлар кўлига ўтди. Яна улар вақтни бой бермай, кочокларни таъкиб этиб, Тошканд вилоятига етиб келиб, Тошканд калъасини камал қилишди. Бир неча кун дам олишгандан сўнг шаҳарга яқинлашиб, шундай ёвуз босқинчилик қилишдики, Одамзод ақли кофирларнинг бундай журъатига хайрон қолди.

Баъзи кўрқоклар қочиб қолдилар, шижоатли кишилар эса ҳозир нозир бўлиб, кофирларнинг бошига тўпу тўфанглардан жаладек ўк ёғдирдилар ва ақсар кофирларни ер билан яқсон қилиб, минг азобу машаққат ила ўз кўшларига қайтдилар.

Шу воқеалар ичида жаноби соҳибқироннинг келиш хабари маълум бўлди. Кофирлар (ўз жойларига) қайтиб кетишди. Тошкандликлар бу фатҳу зафарни эшитиб, жаноби соҳибқиронга беҳисоб лашкар билан бир неча кофирнинг бошини ҳадя ва совга сифатида жўнатдилар. 19-жумодул-аввал, чаҳоршанба кунида² бу башоратли хабар ул хосиятсиз бошлар билан бирга Хўқанди латифга келди.

Қабиру сағир, фуқаролар бир неча кун хурсандчилик қилдилар. Кетма-кет келаётган совуқ хабарларни эшитиб тоқати тоқ бўлган жаноби соҳибқирон вилоятнинг ҳар томонига мағруб номалар юбориб, ўзи бир неча киши билан ўн тўртинчи жумод-ул-аввал куни тезда Тошкандга етиб келди. Кофирларнинг кетганини билиб, Тошкандни ўзига маскан қилди. Қўшин ақли ҳам бирма-бир соҳибқирон ҳузурига келиб қўшилди-лар.

Кофирлар соҳибқирондан кўрқиб, Чимкент калъасига қириб яшириндилар.

Шундай қилиб, киш ҳам қирди. Кундан кунга ҳаво совиб, қору ёмғир ёғиб, ер яхлаб, қорнинг баландлиги оту туя кўкрагига тегадиган бўлди. «Туф десангиз музлайдиган» ҳавода жаноб соҳибқироннинг гайрати тушиб, лашкар сафидан 12 минг ёш йигитни танлаб, уларга Мулла Алимқулни сардор қилди ва ражаб ойининг ўн тўртинчиси, душанба кунида Туркистонга кофирларга қарши жангга боришларини буюрди.

Шу вақт ҳавонинг совуқлигидан ҳис ва ҳаракат руҳи бадандан соқит бўлиб, нафас танадан худди пўст ташлайдиган илонга ўхшаб зўрга чиқарди. Айниқса, Тошканддан чиқиб Қайрағоч мавзеига етиб келган кун тунда шундай шамол кўтарилдики, Од қавмини Йўқ қиладиган тўфонга ўхшарди... (Муслмонлар)дан бир неча нафарининг оёқ-қўлини совуқ урди, баъзиларни юзлари, кўзлари музлади, баъзи кишилар эса ақлдан озиб сафдан чиқдилар. Бир гаройиб ақвол юз берди. Лашкар тез суръатлар билан ҳаракат қилиб Чулек мавзеига келди. Одамлар манзил қилган шу жойда кофирлар ҳам қичик кўргон бино этиб, бир даста сарбозларини ҳимоя учун қолдирган эканлар. Шу қавмдан қарийб 50 кишини ўлдириб, хотирларни тоза ва мусоффо қилиб, Икон калъаси олдида қўш урдилар. Чун зим-зиё тун қоп-қора мағрибга гарк бўлди ва зарнигор офтоб малики жаббор амри ила машриқдан чиқди, калъада гафлат уйқусида қолган одамлар деворлардан қараб, истироҳат қилаётган бир олам нусратасар аскарларни кўрдилар. Улар вазият қанчалик оғирлигини билиб, душманни ушлашдан бошқа чора Йўқлигини фаҳмладилар. Қалъадагилар бир неча хиёнатқорни боғлаб, узр сўратиш учун жаноб-би султон Саид хон хизматига (ҳузурига) олиб келдилар. Уларнинг ҳар бири ўз қилмишларига яраша ҳокон марҳаматига сазовор бўлди. Жаноби олий фармойишлар ила бандиларнинг ақсариятини асфоли жаҳаннамга жўнатиб, шу куни дам олмоққа азм этди...

Намози аср ва шом вақти орасида кетма-кет шундай хабар қелдиким, бир неча юз ўрус кофирлари дабдаба билан яқинлашиб қелмоқдалар. Бу хабарни эшитиб, соҳибқироннинг гафлат уйқуси бошидан учди. Мардлик гайрати унинг ҳамма паю суяқларида ҳаракатга келиб, ақли лашқарини қуроллантириб, кофирлар йулини тўсиш учун жўнатди. Сарбозлар душман йўлини ҳамма томонлама босиб олдилар. Қору муз отларнинг

кўрагига тегар, хаво совуклиги эса ифрот хаддига етарди. Шу кечани сарбозлар от устида ўтказдилар, уларнинг кўпчилигини совук урди. Кофирлар эса ўзлари ковлаган хандакларга кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз килдилар.

Куёш малики фарханг амри ила машрикдан бош чиқариб, коронгу зулматни ёрутди. Ислом лашкарининг гозийлари тўрт томондан кофирларга карата ўк ёмгини ёғдирдилар. Ёш пахлавон йигитлар отларга миниб, хар тарафга чошиб кетдилар, кофирлар эса ваҳимага тушиб, уларни ўзларига якин йўлатмасдилар. Шундай қилиб, кечгача жанг қилсалар-да, ҳеч бир натижага эришолмадилар. Кофирлар тоғдек мустаҳкам эдилар. Ақлли одамлар ўз расму ойинларига қараб, маслаҳат қилиб, хийла йўлини тутдилар. Улар бир кеча-кундуздан кейин хар хил нарсалар — наMAT, дарахт шохлари, қору муздан қорабуяра ясаб, уни олдиларига қўйиб, юмалатиб кофирлар мавзеига яқинлашдилар. Уларнинг орқасидан паналаб келган навқарлар тўсатдан душманга ҳужум қилиб, кофирларни паришон холида нобуд этдилар...

Баттоллардан ўттиз-қирк киши от ва туяларга миниб, Туркистон сари қочиб тушди. Мард сарбозлар бундан хабардор бўлиб, уларга етиб олиб, ақлсиз кофирларни милтик билан отиб ўлдиришди. Минг хил хийла ва найранг билан шу қавмдан 3—4 нафари қутулиб, Туркистон қаяъасига етиб бордилар. Соҳибқирон (Султон Саид хон)нинг қелиши ул разил қавмга маълум ва ошқор бўлди. Туркистон қалъасининг дарвозасини уч кун очмасдан улар кечаю кундуз ҳозир ва нозир турдилар.

Жаноби соҳибқирон фатҳу зафардан кейин Туркистон қалъасига назар ташламасдан, ўлжага тушган қанча нарса, тўпу туфангни олиб, мол, оту туяларни хайдаб қелиб, саодатмандлик билан подшоҳлик тахтига ўлтириб, қарор ва осойиш топти. Агар у Туркистон қалъасига (яна қирқ қилиб) борса эди, қуффор ва ислом дийрининг ўртасида яна қирқин ва вайронагарчилик юз берарди.

Қарийб олти ой пойтахтда туриб, вилоятнинг хар чекқасидан нодир монийсират ҳунарманд усталарни чиқариб, кечаю кундуз найзаю тиг ва бошқа уруш аслаҳалари ясалди. Тез орада 70—80 тўпи жангий мухайё қилинди, бир неча минг саккиз — ўн қарич қеладиған султоний милтик ҳам ясалди. Қурол-яроғларнинг адади аҳли ҳисобга ҳам маълум бўлмади. Шундай қуч-қудрат билан душманга қарши боришга қарор қилинди. Ниҳоят, ўн иккинчи зу-л-ҳижжа ойида кофирларнинг Ниёзбек қалъасини олганлиги тўғрисидаги хабар ҳамма жойга тарқалди. Бу воқеанинг баёни шундай. Шанба 2 қуни тунда (ўруслар) ўғридек қалъа деворларидан чиқиб, тўпу туфангларидан созу наво чиқариб, гафлатда ётганларни уйғотдилар. Тун зим-зиё бўлгани учун қулфатзада қишилар бу даҳшатли воқеадан хабар топиб, баъзилари ўзларини қарёга, баъзилари қалъа деворидан пастга ташладилар, қўплари кофирларга асир тушдилар.

Эртасига ранго-ранг қуёш оллоҳ амри ила бошини осмон қарчасидан чиқариб, атрофни соф ва нуроний қилди. Хар тарафга қаршон аҳволда тарқалган сарбозлар зу-л-ҳижжа, қашанба қуни бу хабарни Хўқандга етказдилар.

Қамона умаролари ва қуқаронинг қатта-қичиги бу даҳшатли воқеадан хотирлари қаршон бўлди. Қазқур оининг Йигирманқисиди жаноби Султон Саид хон суръат ила Тошқандга Йўл олишга қармон берди. (Хўқандликлар) қаҳоршанба қунида Тўйтепага етиб қелдилар ва бир қун шу ерда дам олиб, орқадан қелаётган лашқарни қутдилар. Қума қуни лашқар ила Қарак, ҳозир Қирқик номи билан машқур, қарёсидан ўтиб, ўйламасдан душман сари йўл олдилар...

Аҳли қуффор муқулмонларнинг ҳиммат ва қайрат билан қелаётганини эшитди, исломнинг шукҳи кофирлар қалбини босди. Улар ўз жойларидан қўчиб, бир манзил орқага

Шўртепа мавзеига келиб, ўзларига қароргоҳ қурдилар.
Жаноби хон амирлашқари билан бирга келиб, Мингўрик манзилида нузул қилди.

Кечани истирохатда ўтказиб, эртаси шанба куни Ховари аъзам (қуёш) малики фарханг амри ила машриқдан урушни ният қилиб бош чиқарганиданок жаноби шох нусратпаноҳ лашқари билан дабдаба-ю шавкат ила Шўртепага яқин келдилар. Улар узокка отадиган тўпу тўпхона, саккиз-ўн қарич келадиган қора қўндокли милтиқларни олиб, шарҳи йўқ салтанат ила султоний қўсларни қалиб, қофирлар томон йўлга тушдилар...

Мулла Алимқул амир лашқар Султон Саид хон фотихасини олиб, душман ёқасини маҳкам тутиб жангга қиришди. Филни йикитадиган шергир диловарлар душманга қарши баҳри Хазарга ўхшаб мавж уруб, фитна ва ошўбга азм қилдилар. Эртадан кечгача ул номсизлар билан урушиб, дарё мавжидек галаён қўтардилар. Кеч қирди ва қофирлар қайтиш учун ногора қалиб, бахиллар қабридан ҳам тор бўлган бир чуқур жойга (окопларга) қайтдилар. Ислом лашқари кечани ухламасдан ўтказиб, малъунлар манзилини халқадек босиб олиб, субҳи содиққача барқарор турдилар.

Давлат арқонлари беодоблик ила арз қилдиларким, «асқарлар ҳаммаси ташна бўлиб оч қолдилар, ўз қўшларига қайтиб дам олишлари зарур, эртаси яна бу жамоа-нинг бошига етиб кела оламиз». Мулла Алимқул амирлашқар бу насиҳатларга қулоқ солмади ва ўз сўзида тоғдек маҳкам турди. Байт (мазмун):

Насиҳатга қулоқ солгил, жоним, жондан ҳам яхши қўрар— Саодатманд ёшлар барно пирларнинг ўғитини.

Эртаси якшанба куни қуёш машриқдан жанг толиби бўлиб, галаён қилиб, бошини гардун чашмасоридан чиқарганда аҳли ислом қофир лашқарига химматини қаратиб, тўпу тўфангни ишга солиб жанг бошладилар. Қофирлар бу ҳужумга тоқат қилолмасдан саросимага тушиб, тор хандақларидан чиқиб, минг хийлаю найранг билан ўзларини тепалиқларга олдилар...

Шу пайт оллоҳ амри ила 1281 йил, зу-л-ҳижжанинг 26-қунида қофирлар сафидан бир ўқ отилди ва у Мулла Алимқул амир лашқарга тегиб, уни ярадор қилди ва у отдан йикилиб тушди. Шу сабаб лашқари ислом парокандаликка тушиб, ҳамма ўз жонининг ўйлаб паришонликка берилди. Сарбозлар жаноби амирлашқарани отга миндириб, ҳамма асбобу яроғ, тўпу тўфангларни олиб Тошқанд қалъасига етиб келдилар. Алимқул амирлашқар хушдан кетиб ётган эди. Хозик табиблар ва қомил жарроҳларни топиб қилди-лар. Улар амирлашқарнинг жароҳатини қўруб, муолажага ожиз эдилар. Унинг ахволи ҳар дам оғирлашарди. Инсоннинг тадбирқорлиги тақдир олдида заиф эди ва ҳар соатда ўлим аломати унинг юзида зохир бўларди. Буни ҳамма қўриб турарди. Назм (мазмун):

Агарда бирон подшоҳнинг ажали қелмаса,

Худо бўлишга ҳам даъво қиларди.

Ҳеч қим абадий яшайолмайди,

Факат худодир оламда абадий,

Бу жаҳон ҳеч қимга вафо қилган эмас,

Оламни яратган факат худо қолар, бас.

Бу укубатсиз ҳол аҳли давлатга ва қаттаю қичикка маълум бўлди. Қирғиз ва қипчоқлар вақтни ганимат билиб, жангални мардлик шеридан холи деб, бузмачилиқни ўзларига пеша қилиб, Қурама томон йўл олдилар. Тилов манзилгоҳига етиб қелиб отдан тушдилар. Ақлу тамиз уларнинг мияларида йўқлиги учун (кейинроқ) қўз очиб, хушларини йигиб қўрсаларки, ажаб бир қабоҳатли ишни бошлаган эканлар. (Мисраъ) «Нечук оқил қилур

шундай ишким, яна пушаймонликка сабаб бўлса».

Шу жойда кўниб, кечаю кундуз ўзаро маслахат килдилар, аммо бир карорга келолмадилар. Охири оркага кайтиб Тўйтепага етиб келиб, Султон Саид Мухаммад хон номига бир узрнома ёзиб, Тошкандга юбордилар. Уларнинг косиди (элчиси) анча йўл босиб, Тошкандга келди, номани Султон Саид Мухаммад хонга топширди. Аркони давлат ва аъёни салтанат ул одамларнинг сўзларидан каноатланмадилар ва косидни муродсизлик ила кайтардилар. Байт (мазмуни):

Мазлумларнинг жазосини бериб, мархумлар максудин чикар, Дину доду хуш ила обод килгил дунёни.

Ул номурод косид (элчи) ўз лашкарига кайтиб, хамма кўрган-кечирганини шул тоифанинг сардори ва мингбошиси баходир кипчок Бек Мухаммад ибни Хол Мухаммад ибни Мухаммад Назар Кўрўгли ибни Санжарга айтиб берди. Кипчок ва киргиз улусининг хаммаси махзун ва хафа бўлиб, бошка чора топмасдан бу манзилдан кўчдилар. Хар бир янги жойдан кўчганларида ўзаро маслахатлашардилар, аммо хаммаси натижасиз эди. Улар бир-бирлари билан можаро килиб Сайхун дарёсининг бўйига етдилар. Ундан ўтиб, Турк ва Сарой кишлогига тўхтадилар.

Энди Султон Саид хон ибни Малла Баходурхон хакида озгина эшитинг.

Киргиз ва кипчоклар вафосизлик килиб, Хўканди латифга кетган кунларида сартия ахолиси замон хонига вафодорлик кўрсатиб, амирлашкар билан колдилар. (Кипчок ва киргизлар) хиёвати амирлашкарга хам маълум бўлди. Бундан дард чекиб (Алимкулнинг) касаллиги яна огирлашди ва пешиндан кейин унинг рух кушчаси тананинг тор кафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди, жонни жон ато килганга бериб, шаходат даражасига етди...

Амирлашкарнинг фарзандлари, хотунлари ва тобеълари бу ахволни мушохада килиб, мажрух калблари яна махзун бўлди. Сабру карор жиловини кўлидан бериб, гам ва кайгу тарикасига ўтдилар. Аркони давлат, аъёни шавкат сартия мамлакатининг акобиру ашрофлари, Тошканднинг каттаю кичиги, тожику турк хамма кайгуга тушуб йиғладилар. Уларнинг кўзларидаги ёшлар дурга ўхшаб окарди...

Алкисса, ул жамоатнинг нолаю фарёди фойда килмади ва бу дарди бедавога илож хам топилмади. Нихоят, фохира дунёнинг орият либосини амирлашкар танидан ечиб охират либосини кийинтирдилар. Аркони давлат ва аъёни мамлакат кайси маконга Мулла Алимкулхон жасадини кўяйлик деб машварат килиб, бир карорга келолмадилар. Шу махал амирлашкарнинг бир неча ишончли кишиси ўзаро маслахат килиб, иттифокликда жасадни фозиллар куёши хазрати Шайх Хованд Тахур мозорида дафн килдилар...

Шундан кейин Мулла Алимкул арвохига фотиха ўкидилар. Мулла Алимкул амир-лашкарнинг таржимаи холи. У Хусайнбой отарчи, яъни байторнинг ўғлидир.

Андижон тобеларидан бўлган киргиз кипчок кабиласиндандур. Ёшлигида отаси уни илм тахсили учун Андижонга мухтасибга шогирдликка берди. 3—4 йилдан кейин шу шаҳарнинг мухтасиби Мулла Алимкулни «гиранда» (олувчи) лавозимига кўйди.

Худоёрхон ўзининг акаси Маллахонни авф этиб, Бухородан Хўкандга олиб келтириб, умаролар каторида унга вазифа ва маош тайинлагандан сўнг Мулла Алимкул Маллахонга мулозим бўлуб хизматга кирди. Маллахон иккинчи марта ўз укаси Худоёрхонга мухолифат килиб, Андижонга кочиб кетганда Мулла Алимкул Маллахонни Пўлодбий киргиз олдига олиб борди. Пўлодбий киргиз савсамир кабиласининг мўътабар раиси эди. Фитна ва фасод раъиясига эга бўлган Пўлодбий Маллахон кадамини муборак деб, ўз кабиласи ила унинг хизматида бел боғлади-да, Корасувга борди. Бу ер Мулла

Алимкул ва унинг кавми учун ватан эди. Шу атрофдаги Алимкулнинг кавми-уруглари ҳам Маллахон хизматига ўтди. Маллахон Алимкулни элчилик учун кўп жойларга юбориб, одамларни ўзига тобе бўлишга ундади. Алимкул бу ишда кўп саъй ва ҳаракат қилиб, Корасув ва унинг атрофидаги қабилаларни Маллахонга ёрдам беришга чорлади ва унинг олдига олиб келди. Маллахон Фаргонанинг ҳукмронлик тахти ва фармондорлик аврангига ўтурганидан сўнг Алимкул хизматларини эътиборга олиб, унга эшикоғаси ҳамда мири понсод унвонини берди. Шундан кейин у Чимён навоҳисининг ҳокими бўлди. Ўратепани фатх қилган пайтда ҳам Алимкул жасорат кўрсатган эди. Маллахон ҳукмдорлигининг охирларида Маргилонда вали (ҳоким) бўлди. Султон Сайид хон ўз ҳукмронлиги даврида унга Фаргона сипохсолори ва лашкарбошилиқ мансабини берди. Алқисса, сўзнинг қисқаси шуки, жаноби Султон Саид хон салтанат шавкатига яраша зеб-зийнат бериб, сартия умароси ёрдамида мамлакатни химоя қилиб яшар эди. Кундан-кунга кофирларнинг кўли баланд келиб, ҳеч қаердан умид (ва ёрдам) дараги бўлмади. Қирғиз ва қипчоқлар эса мурувватсизлик ва ёвлик тупроғини ўз бош-ларига сепаиб, қочиб кетдилар.

...Элчилар унинг (амир Музаффарнинг) олдига тез-тез бориб турардилар. Хар дафъа, Тошканд вилоятининг уламо ва оксоқоллари Бухорога келиб бизни дуо қилсун, деган сўзни айтарди. Унинг сўзини қабул қилиб, вилоят улугларини ул маломатзадаи фалокат олдига жўнатган эдилар.

Улар етиб боргандан кейин изма-из бошқа рукъалар етиб келди. Унда «Султон Саид Мухаммад хон ҳам келсун» деб ёзилган эди. Бу амрни ижро этиш Султон Саид хон одамлари учун жуда оғир эди. Умаро ва фуқаро ўзаро маслаҳат ва машварат қилди, аммо ҳеч наф бўлмади. Боришдан ўзга чора қолмаган эди. Ниҳоят, (Султон Саид хон) сафар асбобларини йигиб ҳозирлашга буюрди, мулкни худога топшуруб, Бухоро сари Йўл олди. Қанча юриб ул икки аёлманд хезпешаларнинг олдига етиб боришди. Уни (Султон Саид хонни) ҳам ушлаб, қайтишга ижозат бермадилар. Тошканд мамлақати беҳоким ва эғасиз қолди...

Алқисса, мусулмонлар бесаранжом бўлуб, бошсиз қолдилар. Хар бир фирқа ўз ҳолича эди. Бунга қўшимча яна Тошканд фуқароси навбат билан илғор учун қолдиришган бир неча минг хўқандлик сарбозларни боқардилар. Сафар ойининг 4—сешанба куни 2 ўрус кофирларнинг лашқари субҳи содиқда Қамолон дарвозасини босиб олиб, шаҳарга қирдилар. Хўқанд сартияларининг 6—7 илғор дасталари қалъа ёриқларидан чиқиб, хар хил йўллар билан қочиб кетди. Баъзилар Чирчик дарёсига чўқиб ўлдилар. Тошканд фуқароси икки кечаю икки кундуз кофирлар билан урушиб, уларни Масжиди баланд хонақоҳига қамадилар, Бир кеча кундуз аҳли ислом уларни муҳосара қилиб, хонақоҳ атрофини ёқмоқчи бўлдилар. Кофирлар бундан хабар топиб, эски ўрдага ўтдилар ва йўлда бир неча маҳаллани ёндириб юбордилар. Шаҳарга шўру гавго тушди, унинг хар томонидан одамлар Бухоро подшосининг олдига, бепарво қипчоқлар ҳузурига жўнашиб, улардан ёрдам сўрардилар, аммо барчаси фойдасиз эди. Охири қуффор билан сулх тузуб, уларнинг ҳамма шарт-шароитларига риоя қилишига мажбур бўлдилар.

давоми бор...